

**ҚҚСдан озод қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари
(ВМ қарори 31.12.2018 й. 1065-сонли)**



Рўйхатда кўрсатилган товарларга берилган имтиёз солиқ тўловчилар томонидан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана ва улгуржи реализацияси амалга оширилганда қўлланилади.

Нон маҳсулотлари бўйича солиқ имтиёзлари ишлаб чиқарувчиларга ҳам татбиқ этилади.

ҚҚС бўйича ҳисоботларни тақдим этиш ва тўлаш ҳар ойнинг 25-санасида амалга оширилиши белгиланган.

Аҳолига нақд пулга ёки пластик карточкаларни қўллаган ҳолда товарлар сотилганда назорат касса машинаси ва тўлов терминаллари чекларида қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

МИСОЛ: умумий овқатланиш корхонасида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш

Умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи корхона мисолида ҚҚСни соддалаштирилган тартибда ҳисоблаб кўрамыз.

Корхона палов тайёрлаш учун 20,0 минг сумга 0,5 кг гўшт, 10,0 минг сумга 1 кг гуруч ва бошқа зарурий маҳсулотларни 5,0 минг сумга сотиб олди. Ушбу маҳсулотларнинг барчаси қўшилган қиймат солиғисиз сотиб олинди.

Паловни тайёрлашга сарфланган коммунал хизматлари учун 6,0 минг сум, шундан ҚҚС 1,0 минг сум.

Тайёрланган палов 5 та мижозга 1 порциядан, порцияси 16,0 минг сумдан жами 80,0 минг сумга (5*16,0) сотилди.

Харидорга сотишда 16,0 минг сумдан 10 фоиз миқдориди 1,6 минг сум (16,0*10%), жами 8,0 минг сум (1,6*5) ҚҚС ҳисобланиб, 17,6 минг сумдан (16,0+1,6) жами 88,0 минг сум (17,6*5) тўлов қабул қилинади.

Ҳисобга олиш механизми қўлланилмаганлиги сабабли бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 8,0 минг сумни ташкил қилади.

Агар ушбу умумий овқатланиш корхонаси қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартиби қўлланилганда бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини кўриб чиқамиз

Кўрсаткич	Соддалаштирилган тартиб	Умумбелгиланган тартиб
0,5 кг гўшт (ҚҚСсиз)	20 000	20 000
1 кг гуруч (ҚҚСсиз)	10 000	10 000
Бошқа зарурий маҳсулотлар (ҚҚСсиз)	5 000	5 000
Паловни тайёрлаш учун сарфланган коммунал хизматлар	6 000	6 000
ҚҚС суммаси (ҳисобга олинмаган)	0	1 000
5 порция палов тайёрланди таннархи	41 000	40 000
Савдо устамаси	39 000	39 000
5 порция паловнинг реализация қилиш қиймати	80 000	79 000
ҚҚС ставкаси	10%	20%
ҚҚС суммаси	8 000	15 800
5 порция паловнинг ҚҚС билан етказиб бериш	88 000	94 800
Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси	8 000	14 800
ҚҚСнинг эффектив ставкаси	10%	18,7%

Ушбу ҳолатда бюджетга тўланадиган ҚҚС 14 800 сумни (15 800-1 000) ташкил қилади ва соддалаштирилган тартибга нисбатан 6 800 сум кўп солиқ тўланади ҳамда 1 порция паловнинг нархи 1 360 сумга қимматлашади.



Ўзбекистон
Республикаси
Давлат солиқ
қўмитаси

**Қўшилган қиймат
СОЛИҒИ**



**УМУМИЙ
ОВҚАТЛАНИШ
КОРХОНАСИ
МИСОЛИДА**

Тошкент - 2019